

# IJORCES

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF CONFERENCE SERIES ON EDUCATION  
AND SOCIAL SCIENCES.**

**PUBLISHER: ÇORUM: O CERINT -INTERNATIONAL  
ORGANIZATION CENTER OF ACADEMIC RESEARCH**

# IJORCES

**International journal of conference series on education  
and social sciences. (Online)**

**February 2023**

Science Editor: **Sari Lindblom**  
*Vice-rector and professor at University of Helsinki*

Copyright © 2023

By Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

All rights reserved.

Available at [ijorces.org](http://ijorces.org)

Published:

Çorum: Ocerint -International Organization Center of Academic Research

ISSN 2717-7076

Bursa

Bursa, Turkey

# Editorial Board Members

Prof. **Hakan Mete Dogan**, Tokat Gaziosmanpasha University, Turkey

Prof. **Afsun Sujayev**, Institute of Additive Chemistry of the ANAS, Azerbaijan

Prof. **Nadir Mammadli**, Azerbaijan Architecture and Construction University, Azerbaijan

Prof. **Munevver Sokmen**, Konya Food and Agriculture University, Turkey

ELSEVIER



SSRN  
Electronic Journals

Universal  
Impact Factor



**МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ****Суннатов Воҳид Тошмуродович**

Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга  
қарши курашиш кафедраси доценти.в.б  
ORCID: 0000-0001-7084-555X;  
sunnatovv@mail.ru

*Аннотация: Жиноятчиликни олдини олиш доимо давлат ва жамият ҳаётининг энг долзарб масалаларидан бири сифатида қараб келинган. Хусусан, жиноятларнинг олдини олиш икки хил турдаги чораларга ажратилади. Ушбу илмий ишда айнан шу шу каби масалалар ёритилган.*

*Калит сўзлар: жиноятчиликни олдини олиш, жиноят, криминология, озодликдан маҳрум қилиш, санкция.*

Криминологияда жиноятларнинг олдини олиш умумий ва махсус чораларга ажратилади. Умумий чоралар деганда, жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, шунингдек оила, муҳит ва жамиятнинг ушбу жиноятга таъсир этишини таҳлил қилиш тушунилади[1].

Ижтимоий зарарли иллатларга қарши курашиш, шу орқали мансаб сохтакорлиги жиноятларининг олдини олишнинг умумий чоралари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозимдир: биринчидан, ҳаётимизда ҳали ҳам учраб турадиган лоқайдлик ва бепарволик иллатлардан холос бўлиш; иккинчидан, мамлакатимиз ва унинг атрофидаги содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшаш, яъни "сен менга тегма, мен сенга тегмайман" тарзидаги ҳолатларда воз кечиш; учинчидан, маънавий-мафкуравий тарбия жараёнида шахсий ташаббускорликни ошириш; тўртинчидан, ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақдири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлимизда ғов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши; бешинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини кескин ошириш; олтинчидан, кенг жамоатчилик ўртасида мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳамда уларнинг оқибатларини тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш, мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти механизмини такомиллаштириш, шунингдек юқоридаги каби ҳолатларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишини таъминлаш, шу ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор этиш тартибини такомиллаштириш ва х.к.

Мазкур ҳолатлар юзасидан фикр билдириб, Ғ.О.Эрматов қуйидагича таклиф киритади: "айрим давлатларнинг телекўрсатувларидаги, масалан, Россия Федерацияси телекўрсатувлари тажрибасини ўрганган ҳолда жиноятчиликни олдини олиш юзасидан махсус рубрика ташкил этиш ва ана шундай кўрсатувларда қалбаки ҳужжатларни тайёрлаганлик ёки ундан фойдаланганлик бўйича содир этилган жиноятлар бўйича суд жараёнларининг телекўрсатувларини ташкил қилиш ва аҳолига қалбаки ҳужжатларни тайёрлаш ва ундан фойдаланиш жинояти қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириш"[2].

Давлат бошқарув идораларида ва шунингдек, мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари томонидан ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини назорат қилишдаги камчиликлар, моддий жавобгарлик

ишларида ишлайдиган мансабдор шахсларни танлашда бефарқлик, хомашё ва материалларни ишлатишдаги меъёрларни ҳисоб-китоб қилишдаги камчиликлар, ҳисобга кирмаган хомашё ва материаллар заҳирасининг пайдо бўлиши, ходимларнинг расмий ҳужжатлардан фойдаланиш, тузиш, юбориш, уларни ҳисобга ва рўйхатга олишдаги камчиликлар ҳам ушбу жиноятни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мансаб сохтакорлиги профилактикасининг муҳим йўналишларидан бири ушбу жиноятлар учун адолатли жазо тайинлаш амалиётини такомиллаштириш ҳисобланади Жумладан, бўйича 2015 йил - 5243 нафар, 2016 йилда - 4784 нафар, 2017 йилда - 3447 нафар, 2018 йилда - 1744 нафар, 2019 йилда - 1462 нафар, 2020 йилнинг 1-ярим йиллигида - 436 нафар шахс ЖК 209-моддаси билан айбли топилган. Бунда:

жарима жазоси: 2015 йил - 1472 нафар, 2016 йилда - 985 нафар, 2017 йилда - 612 нафар, 2018 йилда - 301 нафар, 2019 йилда - 279 нафар, 2020 йилнинг 1-ярим йиллигида - 72 нафар шахсга нисбатан;

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси: 2015 йил - 110 нафар, 2016 йилда - 68 нафар, 2017 йилда - 32 нафар, 2018 йилда - 31 нафар, 2019 йилда - 60 нафар, 2020 йилнинг 1-ярим йиллигида - 15 нафар шахсга нисбатан;

мажбурий жамоат ишлари жазоси: 2017 йилда - 2 нафар, 2018 йилда - 11 нафар, 2019 йилда - 5 нафар, 2020 йилнинг 1-ярим йиллигида - 2 нафар шахсга нисбатан;

ахлоқ тузатиш ишлари жазоси: 2015 йил - 2640 нафар, 2016 йилда - 2327 нафар, 2017 йилда - 1621 нафар, 2018 йилда - 839 нафар, 2019 йилда - 706 нафар, 2020 йилнинг 1-ярим йиллигида - 186 нафар шахсга нисбатан;

озодликни чеклаш жазоси: 2016 йилда - 98 нафар, 2017 йилда - 220 нафар, 2018 йилда - 192 нафар, 2019 йилда - 155 нафар, 2020 йилнинг

1-ярим йиллигида - 63 нафар шахсга нисбатан;

озодликдан маҳрум қилиш жазоси: 2015 йил - 561 нафар, 2016 йилда - 504 нафар, 2017 йилда - 322 нафар, 2018 йилда - 139 нафар, 2019 йилда - 9 нафар, 2020 йилнинг 1-ярим йиллигида - 17 нафар шахсга нисбатан;

қамоқ жазоси: 2016 йилда - 3 нафар шахсга нисбатан тайинланган[3].

Кўришиб турибдики, ЖК 209-моддаси бўйича шахсларга кўпроқ жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиб келинган. Ўз навбатида бугунги кунда жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган иқтисодий санкцияларга эътибор қаратилмоқда. Шу сабабдан, ушбу тоифадаги жиноятларга нисбатан ҳам иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имконияти нуқтаи назардан ЖК 209-моддаси санкциясини қайта кўриб чиқиш зарурати мавжуд.

Коррупцияга қарши кураш мақсадларига фақат жиноят-ҳуқуқий воситалар билан эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Айни вақтда бу мақсадларга ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари воситалари билан ҳам эришиш мумкин эмас. Умуман олганда, коррупция ҳодисасига сўзнинг кенг маъносида ёндашадиган бўлсак, бу шунчаки жиноят ёки ҳуқуқбузарлик эмас, балки маънавий бузилиш ҳолатидир"[4]. Шундай экан, ўйлаймизки, мазкур иллатга қарши курашда нафақат давлат органлари, балки, жамият ва умуман барча фуқароларимиз масъулдирлар. Фақатгина давлат ва жамият ушбу хунук иллатга қарши курашда ўз кучларини бирлаштирган ҳолдагина коррупцияга барҳам бериш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, давлат томонидан жиноятчиликнинг умумий олдини олиш билан бир вақтда махсус олдини олиш чоралари юзасидан ишлаб чиқилиб, илгари сурилаётган жиноятлари олдини олиш сиёсати ҳам ҳозирги кундаги долзарб



масалалардаи биридир. Чунончи, Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаётини эркинлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг бош мақсади жамиятимиз инсонлари учун, шу юртда яшаётган одамлар учун қилинаётганлиги бевосита жиноятчиликни олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган давлат сиёсатининг исботидир. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларнинг туб негизини инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ташкил этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Нашр учун масъул: Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; / Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. - Тошкент: Адолат, 2009. -Б.184.

2. Эрматов Ф.О. Расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ва улардан фойдаланиш жиноятини квалификация қилиш масалалари: Монография. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Р.Абдурасулова. - Тошкент: ТДЮИ, 2009. -Б.115.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 16 сентябрдаги 07/24-219-сонли хатига асосан тақдим этилган маълумот.

4. Тогонидзе Н.В. Административно-правовые проблемы предупреждения коррупционной и организованной преступности // Государство и право. - 2002. - №1. - 115 с.; Борков В.Н. Уголовно-правовое предупреждение коррупции. - М.: Юрайт, 2014. - С. 96.